

## СУРХОН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ ФЛОРАСИНИНГ БИРПАЛЛАЛИ ЎСИМЛИКЛАРИ.

**Қурбонова Зебинисо Мухаммадзокировна** - Термиз давлат университети,  
ўқитувчи. Сурхондарё, Ўзбекистон.

**Аннотация:** Мазкур мақола Сурхон давлат қўриқхонасининг бирпаллали ўсимликларига бағишланган бўлиб, ушбу ҳудуднинг флористик бойлиги ва унинг ўзига хос таксономик спектри ўрганилган. Қўриқхонада 21 оилага мансуб 208 тур ўсимлик қайд этилган, уларнинг асосий қисми Роасеае, Alliасеае, ва Liliасеае каби полиморф оилалардан иборат. Бирпаллалиларнинг тарқалиши бўйича юқори зичлик тоғ (68.7%) ва адир (58.6%) минтақаларига тўғри келади. Мақолада келтирилган маълумотлар минтақанинг экологик ва биохилма-хиллигини сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

**Калит сўзлар:** Сурхон давлат қўриқхонаси, бирпаллали ўсимликлар, флора, Роасеае, Alliасеае, Liliасеае, полиморф оилалар, баландлик минтақалари, тоғ-ўрмон экотизимлари, Ўрта Осиё флораси.

**Аннотация:** Данная статья посвящена изучению однодольных растений Сурхандарьинского государственного заповедника, а также анализу его флористического богатства и уникального таксономического спектра. В заповеднике зарегистрировано 208 видов растений, относящихся к 21 семейству, среди которых преобладают Роасеае, Alliасеае и Liliасеае. Основное распространение однодольных наблюдается в горных (68,7%) и предгорных (58,6%) поясах. Представленные данные имеют важное значение для сохранения экологии и биоразнообразия региона.

**Ключевые слова:** Сурхандарьинский государственный заповедник, однодольные растения, флора, Роасеае, Alliасеае, Liliасеае, полиморфные семейства, высотные пояса, горно-лесные экосистемы, флора Средней Азии.

## THE MONOCOT PLANTS OF THE FLORA OF SURKHANDARYA STATE NATURE RESERVE.

**Qurbonova Zebiniso Muhammadzokirovna** – teacher, Termiz State University, Surkhandarya, Uzbekistan.

**Abstract:** This article focuses on the study of monocotyledonous plants in the Surkhan State Reserve, analyzing its floristic diversity and unique taxonomic spectrum. The reserve hosts 208 plant species from 21 families, with Poaceae, Alliaceae, and Liliaceae being the most represented. The majority of monocotyledons are found in mountain (68.7%) and foothill (58.6%) zones. The presented data is crucial for the preservation of the region's ecology and biodiversity.

**Keywords:** Surkhan State Reserve, monocotyledons, flora, Poaceae, Alliaceae, Liliaceae, polymorphic families, altitude zones, mountain-forest ecosystems, Central Asian flora.

Сурхон давлат қўриқхонаси 1986 йилда ташкил этилган ва Кўхитанг тизмасининг шарқий ёнбағрида, денгиз сатҳидан 850-3137 м баландликда жойлашган. Умумий майдони 24583 га. Асосан тоғ-ўрмон экотизими, ноёб ҳайвон ва ўсимлик турлари муҳофаза қилинади.

Кўхитанг тизмасининг дастлабки флористик таркиби С.А. Невский [1] томонидан келтирилган. Унинг маълумотлари асосан тизманинг ғарбий ёнбағирларига тегишли бўлиб, 588 турдаги ўсимликлардан йиғилган гербарий материаллари асосида Кўхитанг тизмасининг флористик хилма-хиллиги тахминан 800 турдан иборат эканлигини айтиб ўтган. Р.В. Камелиннинг [2] маълумотиغا кўра эса Кўхитанг тизмасининг флораси 1000 турдан кам эмас. Муаллиф фақатгина тизманинг ғарбий ёнбағри учун 860 турдан кўп ўсимликларни қайд этган.

Ф.О. Ҳасанов [3] Кўхитанг тизмасининг дарахт-бутазорлари таркибида 55 оилага мансуб 269 туркум ва 578 турдаги ўсимликлар келтирган.

Кўриқхона худудида олиб бораётган флористик изланишлар давомида бирпаллали ўсимликларнинг тур таркиби аниқланди. Олинган натижаларга кўра, кўриқхона флораси таркибидаги бирпаллалилар ўсимликлар 21 та оила, 80 туркум ва 208 турлардан иборат эканлиги аниқланди.

Кўриқхона флорасида бирпаллалиларнинг полиморф оилаларини *Poaceae*, *Alliaceae*, *Liliaceae*, *Iridaceae*, *Cyperaceae*, *Asphodelaceae*, *Juncaceae* ташкил этади. Ушбу рўйхатга таркибига 5 тадан ортиқ турларга эга бўлган оилалар киритилган. Ушбу рўйхатдан *Alliaceae*, *Poaceae* кўриқхона умумий флорасининг полиморф оилалари таркибига киради холос. Мазкур оилалар кўриқхона бирпаллалиларининг 61 % ташкил этади. Таркибида 2 ва 3 та тур тутган оилалар 6 та ва ягона турга эга оилалар 8 та. Полиморф туркумлар қаторига *Allium*, *Poa*, *Gagea*, *Bromus*, *Eremurus*, *Tulipa*, *Stipa*, *Juno*, *Juncus* кабилар киритилди (1-жадвал). Улар жами бирпаллалиларнинг 46.1 % ни ташкил этади. Биринчи бешликдаги туркумларнинг ўзида 74 та турлар жамланган.

1-жадвал

**Сурхон кўриқхонаси флорасидаги бирпаллали ўсимликларнинг полиморф оилалари ва туркумлари**

Т/р	Оилалар	сони		полиморф туркумлар	турлар сони
		туркум	тур		
1	<i>Poaceae</i>	44	98	<i>Allium</i>	29
2	<i>Alliaceae</i>	1	29	<i>Poa</i>	13
3	<i>Liliaceae</i>	7	25	<i>Gagea</i>	11
4	<i>Iridaceae</i>	5	12	<i>Bromus</i>	11
5	<i>Cyperaceae</i>	5	10	<i>Eremurus</i>	10
6	<i>Asphodelaceae</i>	1	9	<i>Tulipa</i>	7
7	<i>Juncaceae</i>	1	5	<i>Stipa</i>	5
8				<i>Juno</i>	5
9				<i>Juncus</i>	5
	<b>Жами:</b>	<b>64</b>	<b>188</b>		<b>96</b>

Ўсимликларнинг баландлик минтақалари бўйлаб тарқалиши Қ.З. Зокиров [4] таснифи асосида амалга оширилди (2-жадвал). Сурхон қўриқхонаси асосан адир минтақасидан бошланади. Бирпаллали ўсимлик турларининг катта қисми тоғ (143 тур, 68.7 %) ва адир (122, 58.6 %) минтақасига тўғри келади. Қўриқхона ҳудудида яйловлар кичик майдонларни эгаллайди. Чунки, тизманинг ўзига хос геоморфологик тузилиши, ҳаддан зиёд тик жарликлар, ҳамда қоя тошлар бу ерда ўсимликларнинг тарқалишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун яйлов минтақасида бирпаллали ўсимликлар (16 тур, 7.8) кам миқдорларда учрайди.

2-жадвал

**Сурхон қўриқхонасида бирпаллали ўсимликларнинг баландлик минтақаси бўйлаб тарқалиши (Қ.З. Зокиров бўйича, 1955).**

Т/р	Баландлик минтақалари	Турлар сони	% ҳисобида
1.	Адир (700-1100 м)	122	58.6
2.	Тоғ (1100-2600 м)	143	68.7
3.	Яйлов (2600-3137 м)	16	7.8
4.	Адир-тоғ	60	28.8
5.	Тоғ-яйлов	7	3.3
6	Адир-тоғ-яйлов	3	3

Хулоса қилиб айтганда, Сурхон қўриқхонаси флораси таркибида бирпаллали ўсимликларнинг 208 тури учрайди. Уларнинг дастлабки тахлили шуни кўрсатадики, мазкур флора тоғли Ўрта Осиё флорси таркибидаги бирпаллалиларнинг таксономик спектрига монанд келади. Унинг ўзига хос хусусиятлари сифатида *Eremurus* туркуми турларининг кўплиги (10 та), яйлов минтақаси флорасининг кам турлар билан намоён бўлганлиги келтирилади.

**Адабиётлар рўйхати**

1. Невский С.А. Материалы к флоре Кугитангтау и его предгорий. В сб. "Флора и систематика высших растений". М., 1937, ст 199-343.

2. Камелин Р.В. Флорагенитический анализ естественной горной флоры Средней Азии. Ленинград. Наука.1973. ст-353.

3. Хасанов Ф.О. Ксерофильная древесно-кустарниковая растительность Кугитангтау. Автореф. дис... на соискание учен. степ. канд. биол. наук. Ташкент, 1987.С. 230.

4. Зокиров К.З. Флора и растительность бассейна р. Зарафшан. Ташкент: АН УзССР, 1955. С. 207.